ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА БЎЛГАН МЕҲРИНИ УЙҒОТИШ

Бахтиёр Асқарович Рўзинов
Наманган давлат университети ўқитувчиси
abruz@mail.ru

Бахтиёр Хусниддинович Нуриддинов
Наманган давлат университети ўқитувчиси
zubayr_2011@mail.ru

Хасанбой Қосимали ўғли Каримбоев
Наманган давлат университети талабаси
xasanboy.karimboyev@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Вилоятимиздаги моддий маданий мерос объектлари билан талабалардаги миллий қадриятларимизга бўлган эътиборни кучайтиш, уларнинг миллий меъморчилик намуналари билан таништириш орқали кузатиш қобилиятини ривожлантириш, объектга йўналтирилган ёндашувни, иншоотни барпо этган меъморнинг шахсига эмоционал-психик кайфиятни, фаол, ижодий тасаввурни, фаоллаштириш, иншоотнинг умумий кўриниши орқали миллий тасаввурини намоён қилиш, ифодалаш, баҳолаш, ўқув жараёнида таълимнинг назарий ва амалий машғулотларини уйғунлаштира олиш орқали замонавий инновацион технологияларидан фойдаланишни талаб этади.

Калит сўзлар: Минора, мадраса, мақбара, мажмуа, гумбаз, муқарнас, гулдаста, кошин, хандаса, арк, гишт, қоришма, меъмор.

AWAKENING STUDENTS 'LOVE TO OUR NATIONAL VALUES THROUGH MATERIAL CULTURAL HERITAGE OBJECTS

Bakhtiyor Askarovich Ruzinov
Teacher of Namangan State University
abruz@mail.ru

Bakhtiyor Husniddinovich Nuriddinov
Teacher of Namangan State University
zubayr_2011@mail.ru

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

Hasanboy Kosimali ogli Karimboev
Student of Namangan State University
xasanboy.karimboyev@bk.ru

ABSTRACT

Strengthening students' attention to the objects of material and cultural heritage of our region, developing their observation skills by introducing them to national architectural samples, object-oriented approach, activating the emotional state of the architect, active, creative imagination, the overall appearance of the building. requires the use of modern innovative technologies through the ability to express, express, evaluate, combine theoretical and practical training in the learning process.

Keywords: Minaret, madrasa, mausoleum, complex, dome, muqarnas, bouquet, tile, ditch, arch, brick, mix, architect.

КИРИШ

Ўзининг қадимий бебаҳо тарихига, беқиёс тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади. Айниқса юртимизнинг мустақиллик йилларида миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, уларни асл қиёфасига мос тарзда белгиланган меъморий талаблар асосида қайта қуриш, тиклаш ва таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилиб беминнат бардавомлиги таъминланмоқда. Юртимиз, айниқса ҳар бир маскан-ҳудуднинг моддий маданий мерос объектларини илмий-назарий тарзда кенг кўламли ўрганиш жараёнида талабаларнинг миллий қадриятларимизга бўлган дастлабки ғурури, аждодларимизнинг бизга қолдирган моддий ва илмий меросининг уйғунлашувини ўз тафаккурлари орқали мустақил қобилиятларини ривожлантириш механизмларини юксалтириш, сохасига бевосита тааллуқли бўлган айрим психологик-педагогик ёндошув жиҳатларини, тарихий-маданиятшунослик материалини интеллектуал-ижодий идрок қилиш, интеллектуал-ижодий фаолияти, муаммони ечишга туртки, мотивацион ёндашув сифатида қобилиятларини оширишга хизмат қилади. Юртимизга ислом дини кириб келиши билан диний таълим ва у билан боғлиқ илмлар ҳам ривожлана бошлади. Миллий минталитетимиз маънавиятда ҳурфикрлилик, илм-фанга ҳурмат-эътибор ва унинг қадр-қимматини юксак баҳолаш устунлик қилди. Айниқса, диний ва дунёвий илмлар узвий ҳолда тараққий этди. Айнан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

шу даврдан ҳудудларда мактаблар ва мадрасалар пайдо бўла бошлади. Мадрасалар қадимдан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида алоҳида нуфузга эга ўқув маскани сифатида катта обрў-эътибор қозонган. Мадраса – арабча «дараса» («ўрганмоқ») сўзидан олинган бўлиб, «ўрганиш жойи» деган маънони англатади. Илк ислом давриданоқ масжидлар бунёд этила бошланди. Дастлаб илм мажлислари масжидларда олиб борилган бўлса, кейинчалик мадрасаларда таҳсил олиш йўлга қўйилган

Наманган вилоятидаги ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган уч дона миноралар мавжуд бўлиб, давлат муҳофазасига олинган. Ушбу миноралар миллий меъморчилигимизнинг бебахо маҳсулидир.

Ушбу меъморий обидалар асосан XX аср бошларида қурилган бўлиб, Ирвадон қишлоғидаги Абдураззоқ қози масжиди ва минораси, Шайх Эшон масжиди мажмуасидаги XX аср бошларида қурилган кошинкори минора ва Чуст шаҳар маданият ва истироҳат боғида жойлашган Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуидаги миноралардан иборатдир.

Ушбу меъморий иншоотлар бизга аждодларимиздан қолган жонли китоб десак муболага бўлмайди. Чунки қанча-қанча миллийлигимизни йўқотишга бўлган курашлардан омон қолган моддий маданий меросдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бадиий графика ва тасвирий санъат соҳасидаги талабалар ўзларининг мустақил тарзда ижодий маҳсулотларини яратар экан, гўзал қадимий меъморий объектнинг меъморий-тимсоли ифодасини ҳис этиши, асарнинг аниқ бир мақсадга қаратилгани, мазмунан режалаштирилганини англаши, материални мантиқий ва изчил идрок этиши, ижодий тасаввури кенг бўлиши, меъморий ёдгорликнинг нафақат тарихий-маданий, балки меъморий-бадиий қимматини билиши, эстетикаси, эмоционал таъсирини очиб бериши, ўзининг дадил мустақил мулоҳазаси ва фикрини билдирган ҳолда, асосий мазмунни умумлаштира олиши, интеллектуал-ижодий маҳсулотга креатив ёндашиши, ўз-ўзини намоён эта билиши, фойдаланилаётган адабиётлар рўйхатини келтира олиши зарур. Бу билан эса яратаётган асарини қадимий тарихий қўлёзма манбаларни синчиклаб мутоала қилиши, асарда тасвирланаётган объектни кўз олдига келтира билиши, унда иштирок этаётган унсурларни ранги, ҳажми, нисбати, ҳавонинг иссиқ-совуқлигини идроқ эта билиш билан бирга ўша давр муҳитини композицион ечимини перспектив муносабатлари орқали очиб беришга тайёрланишидан иборатдир. Таъкидлаш жоизки,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

талабаларда яхлит кўриш қобилиятини ривожлантириш учун юқори эмоционал-ижобий кайфият, эҳтиёж бўлиши, бунинг учун таълим жараёнида зарур бўлган дидактик шарт-шароитлар билими билан қуролланиши таъминланиши зарур. Тарихий-маданий материални идрок қилиш жараёнида тасвирий санъат тарихидан маърузалар ва амалий машғулотлар асосида талабаларга қуйидаги талаблар қўйилади:

– юртимиз тарихи ва миллий маданиятининг энг буюк меъморий ёдгорликларини яратилган даври тўғрисида маърузаларда иштирок этиш;

– ёдгорликнинг мазмунан ва шаклан бирлигини англаш, унинг меъморий-бадиий компонентларини ажрата олиш;

– иншоотнинг гўзаллигини ҳис қилиш, идрок эта билиш;

– ўзаро объектни кўринишини уйғунлаштира билиш, тизимлаштириш усулларини эга бўлиш,

– умумлаштира билиш, хулоса чиқариш, ўзининг мустақил фикрига эга бўлиш.

– умумий ижодий тасаввур хосил қилиш мақсадида бинонинг мантиқан маҳобатини англаш;

– тарихий-маданий илмий асоснинг баён қилиниши жараёнида турли бахс-мунозарада иштирок қилиш, мулоҳаза қилиш, ўз мустақил фикрига эга бўлиш;

Шунингдек талабаларга миллий меъморчилигимиздаги барча қадимий атамалар бўйича ҳам назарий, ҳам амалий тарзда билимларни бериш орқали ишлайдиган асарларини моҳиятини мустақил тарзда идрок этишга, унинг моҳиятини батафсил очиб беришга ундайди. Шунингдек ушбу атамал-терминларнинг қандай хом-ашёлардан тайёрланганлиги, унинг тайёрланиши-яратилиши технологиялари, нима вазифа бажариши тўғрисида ҳам батафсил маълумотларни талаба онгига етказиш орқали ҳам ижобий натижалар олиш мумкин.

Бўлгуси меъмор ва қурувчилар учун меъморчилик тарихини унинг курилиш технологияси, қандай хом ашё (материаллар) лардан бунёд этилганлиги, нима сабабдан турли табиий ва суний офатларга бардошлигини талабаларга тушунтириш зарур. Чунки ота боболаримиздан қолган мерос неча асрлардан бери синашта бўлиб келаётган, тажрибада синалган минталитетимиз, иқлимимизга мослашган иморатлардир. Талабалар билан ушбу моддий маданий мерос объектларида ўқув амалиётларини олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлиб, ёш авлодни миллий ҳунармандчилигимизни эъзозлашга, миллий ғоя руҳида,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга муҳим восита сифатида хизмат қилади. Ушбу сақланиб қолган меъморий обидаларимиз ўзлигимизни англашга, бизнинг халқимизни юксак маънавиятини бутун дунёга таргиб қилишга қодир воситадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Россия империясининг Туркистонга босқинчилик юришлари бошланди. 1865-1917 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини ёритишда ёзма манбаларнинг ўрни беқиёс бўлиб, ушбу манбаларни туркумларга ажратган ҳолда тасниф этиш мақсадга мувофидир. XX аср 20-30-йилларида бошланган динга ва диний эътиқодга қарши кураш компанияси мавжуд меъморий обидалар тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Масжид, мадраса, минора, черков, ибодатхона, синагог ва боша диний иншоотлар ёпилиб, улар ўрнига омборхона, дўкон, ётоқхона, турли цехлар ва ҳоказолар ташкил этилганди.

НАТИЖАЛАР

Қуйида талабаларнинг Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ақлий ўрганишида зарур бўлган интеллектуал-ижодий қобилиятларни англаши, тарихий-меъморий обидаларимизни гўзалликларини мантикан хис қилиш, уларнинг мақсад ва вазифаларини ҳам амалий ҳам назарий тарзда ўрганилади.

Жумладан қадимий меъморий иншоотларимизнинг нима мақсадда бунёд этилганлигини моҳияти бўйича етарли тушунчалар олишга эришишди. Асрлар оша Ватанимиз кўрки ва бебаҳо мулки бўлиб келган қадимий ёдгорликлар орасида миноаларнинг алоҳида ўрни борлигини мантикан хис этишди. Юртимизнинг мустақиллик йилларида тарихий обидаларини асраб-авайлаш, таъмирлаш, қадриятларимизни тиклаш, уларни келажак авлодга бус-бутун етказиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини ўз кўзлари билан кўришлари, юртимиз қиёфасини кўкка бўй чўзиб турган бу миноаларини ҳар бири ўзининг меъморий ечимига кўра бетакрор ва бир-бирига ўхшамаслиги билан ажралиб туришини ҳамда ҳар бир минора танланган жойига ва ёндош архетектура мажмуаларига мослаб қурилганлиги сабабли алоҳида бир мажмуа барпо этилганлигини билишади.

Маълумки, қадимда Буюк Ипак Йўлидаги саҳро ва қумларнинг ичидан ўтадиган карвонлар учун қўналға ва сув манбаалари бўлмиш сардобаларни белгилаш учун миноралар қурилган. Шунингдек, талабаларга минора сўзи араб тилидаги «манара» сўзидан олинган бўлиб, маёқ маъносини билдириши, минора ё минор луғатда нур жойи ва ёркинлик макони, истилоҳдаги маъноси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

эса қад кўтарган бинони ифода этишишлигини етказилади. Зардуштийлар томонидан қурилган миноаларнинг вазифаси марҳумларнинг сўнгги макони бўлиш эди. Зардуштийларда тўрт унсур муқаддас ҳисобланган – олов, ер, сув ва ҳаво. Жасад эса ёвузлик тимсоли бўлган, шунинг учун уни ерга кўмиш, оловда куйдириш ва сувда чўкдириш мумкин бўлмаган. Ҳавони бадбўй ҳиддан қутқаришнинг йўлини эса шу таҳлит топишган – улкан миноралар қуришган ва ўликни шу ерда қолдиришган. Жасадни йиртқич қуш ва ҳайвонлар еб кетгандан сўнг қолган суяклари эса остадонга (оссуарий) ташланган. Аммо VI аср бошларида Ўрта Осиёга араблар келгандан сўнг аста-секин минора дастлабки ўз маъносини йўқотади. Араблар уни қайта қуришди ва душман хавфидан огоҳлантирувчи гулҳан ёқиладиган жойга айлантиришди. Орадан яна бироз вақт ўтиб, IX-X асрларда минорани яна қайта қуриб, кичик қалъа сифатида фойдалана бошладилар. Кейинчалик миноралардан кишиларни азон айтиб намозга чорлаш учун ҳам фойдаланила бошланган. Шунинг учун ҳар бир масжид ёки мадраса ёнида албатта минора қурилган. Миноралар шаҳарларнинг безаги ва ҳукмдорларнинг куч-қудратининг намойиши сифатида ҳам бунёд этилган.

Абдураззоқ қози меъморий мажмуаси - XX аср бошларида қурилган меъморлик обидаларидан бири Наманган туманининг Ирвадон қишлоғидаги Абдураззоқ қози масжиди ва минорасидир.

Уни 1905-1916 йилларда фаолият кўрсатган Абдураззоқ қози қурдирган. Масжид биноси вассажуфт ва бир неча устунлик бўлиб, шифти рангдор нақшлар билан безатилган. Бинонинг қурилган йили, усталар ва ишлаган нақкошлар номи сақланмаган. Масжид ҳовлисида азон айтиш учун мўлжаллаб қурилган, баландлиги 10,40 метрдан иборат мўжазгина минора бор. Мезанали минора Наманган вилоятидаги саноқли учта минорадан бири ҳисобланади. Ушбу минора, хумдонда махсус пиширилган аъло навли ғиштдан танлаб қурилган бўлиб, юқори қисмида махсус ғишт лавҳага минорани қурган устанинг номи ёзиб қўйилган. Лавҳада «***Амали уста Муҳаммад Зиё Ҳожи, Сана 1327, Жумад уссоний***», яъни бу минорани ҳижрий 1327 йилда Жумат уссоний ойининг 14-чисида уста Муҳаммад Зиё Ҳожи барпо қилди, деган сўзлар битилган. Агар ҳижрий 1327 йилни милодийга айлантирсак, 1909 йил келиб чиқади. Демак, уста Муҳаммад Зиё ҳожи мазкур минорани 1909 йилда қуриб битказган. Меъморчилик санъатининг XX аср бошидаги ёрқин намуналаридан бири бўлган ушбу минора, Наманганда моҳир меъморлар яшаб ўтганлигидан гувоҳлик беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

Шайх Эшон мажмуаси - Абдулхолиқ Шайх ўғиллари, Муҳаммадолим Шайх ўғиллари, Файзуллоҳ Эшон ўғиллари, Шайх Эшон масжиди - милодий 1912 йил, ҳижрий 1332 йил Шайх Эшон ташаббуслари билан маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан қуриб битказилган ва Шайх Эшон номлари билан аталади.

1930 йилда масжид фаолияти тўхтатилган. Кейинчалик 1943 йилда масжидни қайта фаолият кўрсатишига рухсат берилган.

Наманган шаҳридаги ушбу меъморлик обидаси, уста Ғофирҳожи ва Мулла Абдулазиз охуннинг ҳаж сафарига борганда, Туркиянинг Истанбул шаҳридан олиб келган тархи ва режаси асосида, шайх Исҳоқ Эшон бошчилигида қурилган. Бино Намангансойнинг ўнг қирғогида Ғишткўприк яқинида қад ростлаган. Қурилиш ишларига уста Халилҳожи бошчилик қилган. Ёғоч ишларини айнан шу киши, бўёқ ишларини кўприкбошилик уста Мансурҳожи бажардилар. Қурилиш ашёлари билан таъминлаш ва харажатнинг маълум қисмини халқ ўз зиммасига олди. Ёдгорлик биноси ички деворларида араб алифбосидаги турли шакллардаги қуйидаги «***Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммад ур-Расулуллоҳи***», «***Мо шоаллоҳу таъоло кона ва мо лам яшоъ ва мо лом якун***», «***Лиманил-мулкул-явм лиллоҳил воҳидл-қаҳҳор***» безакли ёзувлар мавжуд.

Ёдгорлик ҳовлисида Наманган вилоятидаги кам учрайдиган учта миноранинг бири жойлашган. Минора пишик ғиштдан қурилиб, рангли сопол кошинлар билан безатилган. Минора орасига мезанага чиқадиган қулай зинапоя жойлаштирилган.

Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуаси - Мавлоно Лутфуллоҳ ҳозирги Поп тумани Чодак қишлоғида 1487 йилда туғилган. Аввал Чодакдаги хонақоҳда, кейин Махдуми Аъзам Косоний билан биргаликда Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида таҳсил олган. Сув қурилиши иншоотлари бўйича йирик олим бўлиб етишган. Бундан ташқари, тасаввуф таълимотини тўла ўзлаштириб, бу таълимотнинг Фарғона водийсидаги ташвиқотчиларидан бирига айланган. XVI асрда яшаб ижод қилган Убайдулло Самарқандий ўзининг «Пир Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий» номли китобида бу инсон ҳақида тўла маълумот берган.

Чуст шаҳар маданият ва истироҳат боғида жойлашган Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуи Фарғона водийсидаги Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, дин арбоби, халқ орасида машҳур мироб, табиб, ва сиёсий арбоб сифатида танилган шахс ҳурмати учун халқ томонидан барпо этилган бетакрор ёдгорликдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

Шайх Мавлоно Лутфуллоҳ ҳар тарафлама кенг қамровли билим эгаси бўлганлиги, адолатпарварлиги туфайли халқ орасида катта ҳурмат-эътибор қозонган эди. Бу инсон қатор масжид ва мадрасалар курилишига, қақраб ётган ерларга сув чиқариш, ариқлар қазишга бош бўлади. Ривоятларга кўра, шайх ҳассаси билан чизиб берган жойдан албатта сув чиқа бошлаган. Боғ ҳудудидаги барча булоқлар шу инсон шарофати билан вужудга келган деган ривоятлар ҳам мавжуд. Халқ сувсизликдан азоб чекканда, албатта шайхга мурожаат қилишган. Бу инсон ҳамиша камбағал деҳқонлар оғирини енгиллаштиришга ҳаракат қилар, одамлар орасида келиб чиққан зиддиятларни ақл–идрокка таяниб бартараф этишга чорларди.

Шайх бу ердаги барча диний маросимларга бош-қош бўларди ва давлат ҳукмдорлари ҳам у билан бамаслаҳат иш қўришарди. Шайхнинг жуда кўплаб шогирдлари бўлиб, улар шайх ҳомийлигида Ислом таълимотини Ўрта Осиёнинг турли бурчакларида, Ҳисор, Бадахшон, Фарғона водийси ва Афғонистонда тарғиб қилади. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий бир умр халқ ғамини еди, одамларни яхшиликка, биродарликка чақирди. У тасаввуф ва дунёвий илмларни чуқур эгаллагани боис халқ орасида улуғ аллома сифатида элга танилди. Бу меъморий мажмуа қадимда мадраса, масжид, мақбара, хонақоҳ ва минорадан иборат бўлган. Ҳозирги кунда сақланиб қолган минорани XIX аср охирларида уста меъмор Мулла Қирғиз ўз шогирдлари билан таъмирлашган. Мезанали миноранинг баландлиги 17 метр, минора қурилишида ғишт-арзик, оҳак, кошин, ганч ва бошқа қурилиш ашёлари ишлатилган. 1971-1972 йилларда наманганлик наққош усталар томонидан масжиднинг сақланиб қолган айвонидаги рангли безаклар ва нақшлар қайта таъмирланди.

Мажмуа 1999-2001 йилларда қадимий масжид қисми қайта тикланди ва ободонлаштирилди.

МУҲОКАМА

Меъморий иншоотлар жамият маданиятининг бир бўлаги бўлиши билан бирга, у санъат асари ҳамдир. Шундай қилиб, архитектура инсоният тараққиётининг бир тури бўлиб, уни оддий қурилиш иши билан чегаралаб бўлмайди, лекин уни фақат бадиий ижод тури деб ҳам бўлмайди

Умрбоқий миллий тарихий-маданий мерос ва жаҳон бойлиги ҳисобланган Ўзбекистон қадимий меъморий ёдгорликлари тўғрисидаги топшириқлар, ишлар, назарий-амалий топшириқлар, эгалланган билим ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

таассуротларнинг ҳар хил турларини ақлий–интеллектуал-ижодий акс эттириш.

Мактабда Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларига бағишланган интеллектуал-ижодий ишларни публистик чиқишларнинг турли даражаларида тайёрлаш ва амалга ошириш.

Жаҳон халқларини ўз фалсафаси, дини, эътиқоди, удум ва анъаналари, тили билан бойитиб келган Ўрта Осиё халқларининг нафосат дунёси ва маънавияти ҳам кўп қирралидир.

Таъмиршунослик институти меъмори А.Яхьяев томонидан лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланди ва мажмуадаги масжид биноси, рамзий мақбара қайтадан қурилди, ҳамда атрофида ободонлаштириш ишлари бажарилди. Таъмир ишларида наманганлик усталар билан бир қаторда Шаҳрисабз, Самарқанд ва Қўқон устазодалари ўз маҳоратларини кўрсатдилар ва мажмуага қайтадан ҳаёт бахш этилди.

Чустда халқ амалий санъати билан бир қаторда меъморчилик ҳам ривожланган бўлиб, XX аср бошларида қурилган бу мажмуа шундан далолат беради. Мажмуанинг олд тарафи, яъни айвонининг узунлиги 28 метр эни 7,2 метрни ташкил килиб, устунлари, тўсинлари, вассажуфтлари халқ амалий санъатининг ажойиб намуналари билан безатилган. Қиррали ёғоч устунлар шакллари соддалаштирилгани ҳолда ёғоч шифтларга ўрнатилган. Шифт жуда бежирим ва хилма-хил зангори, мовий рангли геометрик ва ислимий нақшлар билан зийнатланган. Бу ерда халқимизнинг биринчи халқ шоири Муҳаммад Шариф Сўфизода ва шоир Набихон Хўжаев Чустийларнинг бюстлари ҳам қўйилган. Бу бюстлар Ўзбекистон халқ рассоми шу ердан етишиб чиккан ҳайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан яратилган.

ХУЛОСА

Фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, архитектура жараёнларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини таълим олаётган бакалавр ва магистрларга етказишдан иборат. Хуллас, шуни таъкидлаш зарурки, ўрта асрдаги Ўрта Осиё меъморчилиги ва бизгача сақланиб қолган тарихий ёдгорликларнинг қурилиши ўзининг чуқур назарий асосларига эга бўлган ва бу назарий билим-манбаалар ўрта аср аллома-муаллимлари томонидан ёзиб қолдирилган асарларда бизгача етиб келган. Бу асарларни ўрганишда замондош санъатшунос-меъмор олимларимиз М.С.Булатов, П.Ш.Зохидов, И.Азимов, М.К.Ахмедов, А.С.Ураловларнинг хизматлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00373

каттадир. Шундай экан бу улкан бебаҳо миллий маданий меросдан замонавий муҳандис-меъморларимиз ҳам ушбу таълим тизимидан унумли фойдаланишимизнинг бўлғуси меъморларни касбга ўргатишимизда бундай назариядан уларни ҳам хабардор қилишимиз фойдадан холи иш эмасдир. Минораларимизнинг мустаҳкамлиги, баландлиги, ўзига хослиги, гўзаллиги билан сайёҳлар дилида ҳайрат уйғотиб қолади. Улар ўтмишнинг кўплаб воқеаларига гувоҳ бўлиб, вақт синовларидан омон ўтиб, ота боболаримизнинг меъморчилик бобидаги буюк салоҳиятидан, ақл-идрокидан гувоҳлик бериб туришибди. Ушбу осмонўпар миноралар келажакда хам узоқ йиллар авлодларимизга ўтмишдан ҳикоялар сўзлаб, уларнинг кўзини қувонтираверади. Хулоса қилиб айтсак нафакат аждодларимизнинг қолдирган моддий маданий мерос объектларини тарихини, ёшларнинг маънавиятини, ватанга муҳаббатини, илмий-амалий аҳамиятини чукур ўрганиш балки ушбу объектлар орқали туризм инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам ўзининг сезиларли хиссасини қўшади.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев., Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Муҳаммад муфтий Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ манокиби. - Тошкент: Имом ал-Бухорий жамғармаси, 2002.
3. О.Қориев. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний.- Тошкент: Фан, 2009.
4. Т.Қозоқов, Б.Рўзинов, А.Воҳидов., Буюкларга бешик бўлган Ахсикент ёҳуд фарғона алломалари. “Наврўз” нашриёти, Тошкент 2020 йил
5. Б.А.Рўзинов ва бошқалар.., Наманган вилояти маданий мероси. “Наманган” нашриёти, 2013йил.
6. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами –Тошкент: Комуслар бош таҳририяти,1996.
7. С.С.Булатов Ўзбек халқ амалий безак санъати.– Тошкент:Меҳнат, 1991.
8. Засыпкин Б.Н.Архитектурние памятники Ферганы. Москва: Искусство Востока,1930
9. Бутенко В.Г.Школьникам о художественных ценностях памятников истории и культуры.– М., 1999.–113